*Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари*

# ПАРЛАМЕНТ ҲУҚУҚИ

**Конституциявий тамойиллар ва меъёрлар тизимидир**

***Дарҳақиқат, жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон Республикасида шаклланаётган икки палатали парламент тизимининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олсак, парламент ҳуқуқи – бу парламент палаталарининг шакллантирилишини, ваколатини, ташкил этилишини ва фаолияти масалаларини тартибга солувчи конституциявий ҳуқуқий тамойиллар ва меъёрлар тизимидир.***

Дастлабки гуруҳ парламент ҳуқуқий муносабатларининг асосий иштирокчиларидан иборат. Булар – умуман Парламент, Сенат, Қонунчилик палатаси, Сенат Раиси, Қонунчилик палатаси Спикери, палаталар кенгашлари, депутатлар бирлашмалари (фракциялар ва депутатлар гуруҳлари), қўмиталар ва комиссиялар, сенаторлар ва депутатлар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)дир.

Президент, шунингдек, ҳукумат ҳамда парламент фаолияти соҳасидаги **ҳуқуқлар ва мажбуриятларни ифодаловчи** ва аввало, **қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга** давлат ҳокимияти органлари: ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори парламент ҳуқуқининг навбатдаги субъектларидир. Булар орасида Президентни, фикримизча парламент ҳуқуқининг субъекти сифатида алоҳида ажратиш керак бўлади. Негаки, у тегишли ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг кенг кўламига эга бўлиб, бу уни муқаррар равишда парламент ҳуқуқий муносабатларининг энг фаол иштирокчисига айлантиради.

Яна бир гуруҳни парламент ҳуқуқий муносабатларининг асосий ҳисобланмаган иштирокчилари ташкил этади. Булар, аввало, ўз депутатлари орасидан сенаторларни сайлайдиган вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимият вакиллик органлари, шунингдек, парламент олдида ҳисоб бериш мажбуриятига эга давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслардир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисини ҳам шу жумлага киритиш жоиз. Парламент ҳуқуқий муносабатларида нодоимий ва бир томонлама иштирок этиш бу гуруҳнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Бош прокурорини бу гуруҳга киритиш ноўрин. Чунки Парламент олдида ҳисоб бериш мажбуриятидан ташқари, мазкур субъектлар қонунчилик ташаббуси, палаталар мажлисларида иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқларга эгадир.

Сенат парламент ҳуқуқининг энг муҳим субъектларидан бири сифатида қонунларда назарда тутилган ўз тамойиллари ва меъёрлари мажмуига эга. Парламентнинг ташкилий тузилиши тизимида Сенат парламент ҳуқуқининг Сенат Раиси, Кенгаш, қўмиталар ва комиссиялар, сенаторлар сингари субъектларининг тузилиши ва фаолиятини тартибга солувчи меъёрларни ҳуқуқий майдонида қамраб олган орган ҳисобланади. Бунда Сенатни ҳуқуқий тартибга солиш асосларини парламент ҳуқуқи тизимида ажратиш фақат субъект жиҳатидан ёндашув билангина эмас, балки юқори палата бажарадиган вазифаларнинг ўзига хос хусусиятлари, мутлақ ваколатларининг хусусияти, унинг ишининг ўзига хос ташкилий шакли ва уни шакллантириш тартиби билан боғлиқдир.

Конституция моддалари парламентнинг таркибий тузилиши ва палаталар ваколатларининг муддати, шакллантириш, биргаликдаги ваколатлар, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари, Сенатнинг мутлақ ваколатлари, палаталар ишини ташкил этиш ва унинг шакллари сингари масалалардан ташқари палаталар томонидан ҳужжатларнинг қабул қилиниши, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқлари, қонуннинг қабул қилиниши, Қонунчилик палатаси Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш-у унинг ваколатларини белгилаш, Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини сайлаш ва унинг ваколатларини белгилаш, палаталарнинг қўмиталари ва комиссияларини сайлаш ҳамда уларнинг асосий вазифаларини белгилаш, депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг мундарижаси, дахлсизлик ҳуқуқлари ва бошқаларни ҳам белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати мақомининг анча батафсил таърифи, Сенат фаолиятининг ташкил этилишига, унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши бўйича муносабатларнинг тартибга солиниши "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий Қонундан жой олган.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Қонун Сенат томонидан ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш учун асос бўлади.

Сенатга доир ҳуқуқий манбалар тизимида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни алоҳида ўрин тутади. Унда, аввало, Қонунчилик палатасига ўтказиладиган сайлов тартибга солинади. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш тартиби белгиланади.

Мазкур бўлимда Сенатни шакллантиришнинг умумий конституциявий таърифи берилиб, сайлов ўтказиш муддатлари, Сенат аъзолигига сайланадиган номзодларга қўйиладиган талаблар, сайловни ташкил этишнинг умумий тартиби каби меъёрлар ҳам мустаҳкамланган. Сайлов хусусида якунларни чиқариш, улар устидан шикоят бериш ва Сенатни шакллантириш якунларини эълон қилиш тартиби белгиланган. Такрорий сайлов ўтказиш зарурияти юзага келадиган шарт-шароитлар ва уни ўтказиш тартиби аниқланган. Бўшаб қолган ўринларга Сенат аъзоларининг сайловини ўтказиш тартиби кўрсатилган. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низом Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилиши (55-модданинг иккинчи қисми) хусусида сўз юритилади.

Бундан ташқари, 51-моддада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказилиши кўрсатиб ўтилади. Бу меъёр, аслини олганда, маҳаллий ҳокимият органлари ва Сенатга сайловларни маҳаллий Кенгашларга сайланадиган ва сенаторликка номзод мақомига эга бўладиган номзодлар учун ягона занжирга боғлайди.

Шу тариқа Ўзбекистон Республикасида парламент ҳуқуқининг шаклланиш жараёни давом этмоқда. Ҳозирги пайтда "Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг мақоми тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Эҳтимол, амалдаги "Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисида"ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилмайди, тегишли нормалар эса депутат ва сенатор мақомлари ҳақидаги қонунда акс эттирилади. Бу мақом тузилиши (тури) ҳамда депутат ва сенатор иш тартиботи ўртасидаги фарқ нуқтаи назаридан мантиқан тўғридир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Референдум якунлари ва давлат жамияти ташкил этилишининг асосий принциплари", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги Конституциявий қонунлар ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги қонунлар Сенатни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб турувчи манбалардандир. Қонунчилик шаклланиши жараёни давом этаётганлиги муносабати билан икки палатали парламент ҳақидаги қатор янги қонунлар лойиҳалари қайта ишлаб чиқилмоқда.

**Аҳмаджон БОБОБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тадқиқотчиси, адлия маслаҳатчиси.**

# Миллатнинг қиёфаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

эътироф этган.

Халқимизнинг ташқи қиёфаси ҳақида бадиий ва илмий асарларда, шунингдек, халқ оғзаки ижоди намуналарида бой маълумотлар бор. Аёл кишининг гўзаллиги-ю, эр кишининг кўркамлиги хусусида ўзига хос қарашлар ва шу қарашлардан келиб чиқадиган баҳо ва талаблар мавжуд. Аёлнинг хушбичимлиги, кўринишининг жозибадорлиги эркак кишининг севги-муҳаббатини ўзига тортадиган сабаблардандир. Нозиклик унинг гўзаллиги тимсоли сифатида баҳоланган. Шу боис аждодларимиз аёл кишини оғир меҳнатга йўлатмаган, авайлаган.

Эркак аждодларимизнинг кўринишлари қандай бўлганига мисол тариқасида Амир Темурни ўз кўзи билан кўрган ва суҳбатлашган тарихчи Ибн Арабшоҳнинг буюк аждодимиз ҳақидаги тавсифини келтириш билан чекланамиз: "Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди, пешонаси очиқ, боши катта, овози жаранглдор, ёқимли бўлиб кучи-қуввати жасурлиги билан тенг-мутаносиб эди, оқиш юзини оч қизил ранг жонлантириб турарди. Елкалари кенг, яғриндор, бармоқлари тўлиқ, қовурғалари узун, мускуллари кучли эди. Узун соқол қўйиб юрарди. Қарашлари ниҳоятда ёқимли эди..." Бу сатрлар орқали биз — бугунги авлодлар бундан 600 йил аввал яшаган улуғ аждодимизнинг ташқи қиёфасини кўз олдимизга келтирамиз, тасаввуримизда унинг тасвирий портретини чизамиз.

Маълумки, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Муҳаммад Шайбонийхон, Бобур, Абдуллахон каби тарихий шахсларнинг сувратлари ўша даврларда ишланган миниатюралар орқали бизга маълум. Лекин кўпчилик буюк аждодларимизнинг портретларини яратишда ўз асарлари, замондошлари ёзиб қолдирган манбаларга суяниб иш тутишга тўғри келади. Истиқлол йилларида бу борада яхши натижаларга эришдик, дея оламиз. Юртбошимиз раҳбарлигида соҳибқирон Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди портрети ва ҳайкали яратилганини мамнуният билан қайд этамиз.

Ҳукуматимиз қарорига биноан бу йил Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги бутун мамлакатимизда кенг нишонланади, ҳозир ушбу юбилей бўйича тадбирлар бошлаб юборилди. Яқинда Ўзбекистон телевидениеси орқали шу мавзуда бир кўрсатув ҳам эфирга узатилди. Ушбу кўрсатувда бу буюк уламо фаолиятига доир икки муҳим нуқта тилга олинганда, ул зот ҳақидаги тасаввуримиз анча тўлиқ бўларди.

Биринчидан, бутун Туркистонда, бугунги ибора билан айтганда Марказий Осиёда биринчи бўлиб Хожа Аҳрор Валий диний эшон унвонига сазовор бўлган, бунга кўп кароматлари туфайли эришган. Иккинчидан, Абдуллоҳ ибн Умардан бошланган силсилаи шарифда ўн тўққизинчи бўғинни эгаллайдики, бунга аввало Аллоҳ таолонинг иродаси — тақдири азал асосида Ислом оламида тутган юксак мавқеи туфайли муносиб кўрилган.

Яна бир нарсани айтиб ўтишни лозим кўрамиз. Аслида ушбу мақолани ёзишимизга ҳам ўша сабаб бўлди. "Даракчи" газетаси (2004 йил, 23-сон)да олим Ботурхон Валихўжаев билан адиб Нусрат Раҳматовнинг аллома ҳақидаги суҳбатига кўзимиз тушиб қолди. Айрим жимжимадорлик, арабча ва форсча сўзларни меъёридан ошириб ишлатилганини ҳисобга олмаганда, матн мазмунига эътирозимиз йўқ. Саҳифа ўртасида – матн орасида бир сурат берилганки... Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Али Сафий, Бобур тасвирлаган буюк уламо, давлат ва жамоат арбоби, зоти шариф, бой-бадавлат фуқаро ва сахий инсондан заррача нишон йўқ бу суратда! Уни ким ишлаган, кимларнинг назаридан ўтган, ким уни чоп этишга тавсия этган? Бизнингча, ул зот портретини яратишда, аввало, у кишининг ўз асарларидан, шунингдек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур асарларидан ва Али Сафийнинг "Рашоҳот" китобидан ва шу каби асл манбалардан келиб чиқиб иш тутмоқ лозим. Чунки ўтмишда ўтиб кетган тарихий шахсларнинг қиёфасини яратишда тарихий ҳақиқат ўз ифодасини топиши шарт.

Кези келиб қолди, сўз юритилаётган мавзуга моҳият эътибори билан яқинроқ яна бир нарса ҳақида тўхталмасак бўлмайди. Бу пойтахтимиз қиёфасига оид гап. Тошкент кўчалари, майдонлари, иморатларини турли расмлар билан безатилмоқда. Лекин халқимиз вакиллари — қариялар, ўрта яшар кишилар, йигитлар, келинлар ва болаларнинг қиёфаларини кўрсатишда баъзан мавҳум ҳолатларга ҳам йўл қўйилмоқда. Кўча ёқалари ва майдонларга ўрнатиб қўйиладиган катта расмларда тасвирланган айрим ёшу қари кишиларга қараб туриб, бу ким, қайси халқнинг вакили экан, деган хаёлга борасиз, албатта. Ҳозирги кунда шундай бетайинроқ расмлардан бири Хадра майдонида, Фурқат кўчаси бошланишида чап томонда турибди. Бунда ҳам қандайдир меъёр, ўзаро ҳурматга риоя қилиш керак эмасмикан. Умуман, бундай нохуш ҳолатларга ким қарайди. Албатта, мутасадди ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари, ходимлари қаторида бутун жамоатчилик эътибор бериши, лоқайд бўлмаслигимиз керак. Зеро, булар ҳам жиддий миллий масалалардан ҳисобланади.

**Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ.**

***Аграсаноат жабҳасида мулк шаклининг ўзгариши, яъни аввалги ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликларининг ташкил этилиши ҳар жиҳатдан самарали бўлаётганлигини Жиззах вилояти мисолида яққол кўриш мумкин. Қуйидаги рақамларга эътибор қилинг: 2001 йил асосан ширкат хўжаликларидан иборат бўлган қишлоқ хўжалиги сектори 16 миллиард сўм зарар билан якунланди. Бирорта ҳам ширкат хўжалиги фойда кўрмади.***

*Жиззах:*

# фермерликда барака бор

*Ислоҳот одимлари*

Ўша йили фермер хўжаликлари сони 4 минг атрофида эди. Жорий йилда Жиззах вилоятида 12 мингдан зиёд фермер деҳқончилик билан шуғулланмоқда. Улар ихтиёрига 400 минг гектардан ортиқ экин майдони топширилди.

Мулк ўз эгасини топганлиги, ҳар бир субъект ўз ҳисобини ўзи юритганлиги туфайли рентабеллик кўрсаткичи бирдан яхшиланди. Ўтган йили ғалла ҳосилдорлиги ширкат хўжаликларида гектарига 25 центнерни ташкил этган бўлса, фермерлар эришган натижа 34,4 центнерга етди. Янгича шароитда ишлаш маҳсулот таннархини пасайтириш имконини берди. Айтайлик, ширкатда гектарига 313815 сўм харажат сарфланган бўлса, бу рақам фермерларда 190714 сўмни ташкил этди. Бир тонна ғалла ширкатда — 59710 сўмга, фермер хўжаликларида эса 48720 сўмга тушди. Арнасой туманидаги «Андижон» ширкат хўжалигида ёнма-ён меҳнат қилган деҳқонлар сарф қилган ресурслар яққол кўзган ташланди:фермер хўжаликларида гектарига 14 фоиз кўп ўғит сарфланган, ёнилғи-мойлаш материаллари 1,6 баробар кам ишлатилган. Демак, фермер ўзи ишлаётган даланинг унумдорлигини ошириш учун қайғурган.

Вилоят фермерларига хизмат кўрсатиш учун жойларда қўшимча 51 та муқобил МТП, 56 та минерал ўғит, 83 та ёнилғи-мойлаш материаллари сотиш шохобчалари, 44 та мини банк, агрохизмат марказлари очилди. Бундай ўзгаришлар қишлоқ инфратузилмасини яхшилашга хизмат қилди. Нафақат моддий ҳомийлик, балки маънавий-маърифий тадбирларни йўлга қўйишда фермер хўжаликлари ҳиссаси салмоқли бўлаётир. Бахмал туманидаги фермерлар ибрати алоҳида мақтовга сазовор. Уларнинг саъй-ҳаракати билан 52-ўрта мактаб эски биноси ўрнида таъмирлаш ишлари ўтказилди, турли жиҳоз ва компьютерлар ўрнатилди. Ака-ука Бозоровлар Узунбулоқ қишлоғидаги 53-ўрта мактабни ичимлик сув билан таъминлашди. «Гулбулоқ»да фермер ва тадбиркорлар ўша ҳудуддаги мактабга ҳар бири 98 минг сўмлик 90 та синф доскаси, ҳар бири 100 минг сўмлик 100 та парта ҳадя этишди. Бахмалдаги 55 та мактабга тиббий хона, мўъжаз спорт заллари, 60 та мактабда буфет, 10 тасида ошхона, 10 тасида ёпиқ спорт мажмуи, 14 та мактабда спорт зали бугунги талаблар даражасида таъмирланди. Уларнинг мадади туфайли 34 та мактабга газ келтирилди.

Пахтакор туманидаги «Акмал» ва «Шаҳноз» фермер хўжаликлари ўтган йили пахта ҳосилдорлигини 7-12 центнерга тушириб, белгиланган шартнома режасини бажариша олмаган эди. Бундай натижалар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, эндиликда бақувват, истиқболли фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш тадбирлари кўрилмоқда. Шу боис юқоридаги икки хўжалик ўрнига «Баҳром» фермер хўжалиги 44 гектар майдонда иш бошлади. Ҳар гектар майдондан олинажак ҳосил режадаги 35 ўрнига 40 центнерга етказилиши маълум қилинди. Чунки фермер хўжалиги даласида етилаётган ҳосил ҳар қачонгидан баракали эканлиги ҳозирдан аён бўлмоқда. Баравж ўсаётган ғўзалар кўсак туга бошлади.

Зарбдор туманидаги «Нурафшон» хўжалиги ҳудудида Ўзбекистон-Англия қўшма корхонаси раҳбари Раҳматилла Бўстонов 53,3 гектар майдонда ғўза ўстирмоқда. Аслида бу далада ўтган йили бир мисқол ҳам ҳосил етиштирилмаганди.

Саратоннинг саҳий қуёши Жиззах далалари узра қизғин меҳнат жараёнини янада авжига чиқармоқда. Бу заминда эл-юрт дастурхонини безайдиган, қудратига қудрат қўшадиган миришкор деҳқонлар жорий йил кузида тикланажак хирмон ҳар қачонгидан баракали бўлишидан умидвор ишлашмоқда.

**Жўрақул ИСРОИЛОВ.**

*Сулола*



*— Бувижон, қачон сизга ўхшаб шундай чиройли дўппилар тикишни ўрганаман-а? — дея саволга тутади Баҳринисо опани ҳар гал набираси Севарахон.*

*— Аста-аста-да, болам... Ҳозир кўриб ўрганиб турсанг, кейин тикишга ҳам қўлинг келиб қолади...*

*Чустлик Баҳринисо опа Шариповалар оиласи дўппи тикувчи бешинчи авлод ҳисобланади. Ота-боболардан мерос бўлиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган бу ўлмас ҳунар сулола довруғини, улар тиккан миллий дўппиларни нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам машҳур ва манзур қилгани бежиз эмас. Улар қўлидан ўтган дўппилар республика танловларида бир неча бор фахрли ўринларни олгани ҳам шундан...*

*— Бувижон, катта бўлсам ҳаммага дўппи тикиб бераман. Кейинчи, мен ҳам уни бошқаларга ўргатаман...*

*Бу сулоланинг олтинчи вакиласининг дилидан тилига кўчган нияти.*

*Бувижон билан набиранинг ширин суҳбатлари пайтини фотомухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқулов тасвирда муҳрлабди.*

# Компьютерли синф хоналари

**Андижондаги кўпгина мактаблар кунчиқар юрт — Японияниг беғараз ёрдами сабаб компьютерлашган синфхоналари, замонавий ўқув жиҳозли лабораторияларга эга бўлмоқда.**

**Ана шундай беғараз кўмак сабаб, Булоқбошидаги 17-мактаб биноси ўқув хоналари таъмирдан чиқарилиб, сўнгги русумдаги компьютерлар, устахона эса тикув машиналари билан жиҳозланди. Хуллас, вилоятдаги ўндан зиёд мактаб ҳамкорлар кўмагидан баҳраманд бўлди.**

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

*Орамиздаги одамлар*

***Зуҳриддин ака Азизовни жалақудуқликлар «Ҳожи ака» деб ҳурматлашади. Лекин у ҳаж зиёратига борган эмас. Бунинг бошқа сабаби бор. Ҳожи ака узоқ йиллар турли вазифаларда ишлаб пенсияга чиққанидан кейин уйда ўтиришни эп кўрмай, тижорат дўкони очди. Ва турмуш ўртоғи Кенжахон ая билан иш бошлади. Маҳсулотларни улар бошқаларга нисбатан бир даража арзон сотишади. Шунинг учун ҳам дўконлари ҳамиша гавжум. Истаган нарсангизни бу ердан топасиз. Топган даромадларининг фойдаси ҳисобидан хайри-эҳсонлар ўтказиб, анча-мунча савобли ишлар қилишяпти.***

# Савобдан ҳаловат топган инсон

Яқинда саҳоватпеша Ҳожи акани Ўроқчитепа маҳалла аҳолиси ўзларига раис этиб сайлашди. У маҳалла етакчиси сифатида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда. Ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари жонланиб, маҳалланинг кўрки очилди. Темир йўл бўйида қаровсиз ётган бир гектарга яқин ер тозаланиб, экинзорга айлантирилди. Боғ барпо этилди. Бу ишда маҳалланинг бошқа фуқаролари ҳам ғайрат билан ҳисса қўшдилар. Масалан, меҳнат фахрийси Комилжон Асатуллаев худди шу боғда ўз ҳисобидан 200 тупдан кўпроқ мевали кўчатлар ўтқазди. Боғ неъматларидан эса бутун маҳалла баҳраманд бўлади.

Зуҳриддин ака ўтган йили баҳорда яна бир хайрли ишга қўл урди. У ўзи яшаб турган Ўроқчитепа ва Сўфиқишлоқдаги 21 та камдаромадли оилаларнинг болаларига хатна тўйи қилиб қўлларини ҳалоллади.

Оқсоқолнинг катта ўғли Музаффарбек Мозорбува қишлоғига кўчиб кетганидан кейин, у ўғлиникига тез-тез келадиган бўлиб қолди. Қишлоққа кираверишда бир чакалакзор бўлғувси эди. У «Қатортол» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Илҳомжон Мирзакаримовга шу ташландиқ ер масаласида мурожаат қилди.

Раис қишлоқ оқсоқоллари билан кенгашиб, розилик берди. Зуҳриддин ака аввало бу ерда қишлоқ аҳли учун яна бир дўкон ташкил этди. Дўкон атрофидаги паст-баландликлар текисланиб, омборхона қурилди. Оҳак, цемент, алибастрни шу ердан сотиб олиш мумкин бўлиб қолди. Эндиликда сартарошхона ҳам очилиб, бугун бу ерда гузар ташкил этиш учун ҳаракат бошланди.

Туман маркази билан ўзи бошлиқ фуқаролар йиғинига қарашли қишлоқларни боғловчи йўл четлари неча йиллардан буён бўш ётарди. Зуҳриддин ака Жалақудуқ йўллар бошқармаси раҳбарлари билан бамаслаҳат, йўл ёқаларига 3 мингдан зиёд терак, 100 тупча тол эктирди. Икки йилки, бу кўчатлар анча бўй кўрсатиб, бутун йўл атрофи файзли бўлиб қолди.

Тиниб-тинчимас бу инсон шу кунларда гузар ёнида тегирмон қуриш ташвиши билан юрибди.

Ҳа, Зуҳриддин ака Ҳаж зиёратига боргани йўқ. Лекин унинг қилаётган савобли ишларига неча-неча ҳожилар ҳавас қилишса, арзийди.

**Пўлат АБДУЛЛАЕВ, меҳнат фахрийси.**

# МАФТУНКОР РАНГЛАР ДУНЁСИ

*2004 йил — Меҳр ва мурувват йили*

Мамлакатимизда Марказий Осиё болаларининг "Мафтункор ранглар дунёси" мавзуидаги бадиий кўргазмасини ташкил этиш яхши анъанага айланган. Ҳар йили Ватанимизнинг истиқлол байрами арафасида якунланадиган ушбу кўрик-танлов бу йил тўққизинчи марта ўтказилади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан эълон қилинган Меҳр ва мурувват йилида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги "Соғлом авлод учун" халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Бадиий академия, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Ёнграг" халқаро хайрия жамғармаси каби ташкилотлар билан ҳаморликда ташкил этилаётган бу галги тадбир янада кўтаринки ва юксак савияда ўтиши кутилмоқда.

Тадбир доирасида тиббий кўмакка муҳтож болалар юртимиз ҳамда хорижнинг етакчи шифокорлари кўригидан ўтказилади, зарур ҳолатда даволаниб, таянч-ҳаракат воситалари билан таъминланади. Ногиронлик масалаларига бағишланган халқаро илмий семинарда эса дардманд кишиларни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш борасида эришилаётган ютуқлар, бу соҳадаги янги илмий ишланмалар ва уларни қўллаш атрофлича муҳокама этилади.

Болалар байрамига айланажак ушбу тадбирда юртимизнинг таниқли мусаввирлари билан учрашувлар, суратлар кўргазмаси, эстрада юлдузларининг бадиий дастурлари намойиш қилинади.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**




## «Абитуриент-2004»:

# ЭШИКЛАР БИЛИМДОНЛАРГА ОЧИЛАДИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

**Лилия ОВЧИННИКОВА, Тошкент:**

**— Бу йил олий ўқув юртларига танлов шаклида ўзгариш йўқми? 2004 йилда ҳам тест синовига амал қилинадими?**

— Менимча, ҳозирги кунда илғор компьютер технологиясининг ҳаётдаги ўрни ва самарасини алоҳида тарғиб этиб ўтиришга асло ҳожат йўқ. Инсон компьютер воситасида ўз интеллектуал оламини ўта фаоллик билан бойитиб боряпти. Кўпқиррали таҳлил, инсон билимининг сифати ва даражасини ҳеч бир субъективизмга берилмасдан, тўла-тўкис аниқлашда электроника хизматининг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Ўзбекистонда тест тизими 1992 йилда жорий этилган ва у олий маълумотлиликка даъвогарлар рейтингини аниқлашда энг ишончли восита бўлиб қолаверади. Айтишимиз керакки, ривожланган хорижий давлатларда компьютер давлат фаолиятининг деярли барча соҳаларига жорий этилган. Ҳатто ходимларни ишга қабул қилишда ҳам компьютер тестлари қўлланилади.

**Ольга ПЕТРОВА, Тошкент:**

**— Шаклланган анъанага кўра, республикада барча абитуриентлар 1 август куни тест синовидан ўтадилар. Бироқ ўйлаб кўрса арзийдиган бир масала бор. Яъни, тест синовлари ўтказилган заҳотиёқ бевосита университетлар ва институтларнинг ўзида уларнинг якунини қилиш оқилона бўлмайдими? Шундай қилинса, болалар тўлдирган ишларни қанча маблағ ва қўшимча меҳнат сарфлаб Давлат тест марказига олиб бориб юришга ҳожат қолмасмиди? Бунга қандай қарайсиз?**

— Албатта, тест натижаларини у ўтказилган жойнинг ўзидаёқ ҳал этишнинг киши диққатини тортадиган жиҳати бор. Бироқ масалага жиддий ва малакали қаралса, бундай ёндошувнинг анча-мунча муаммолари ҳам кўзга яққол ташланади. Биринчидан, тест ҳисоб-китобларини қилиш иши алоҳида олий таълим муассасаларида минглаб одамларни жалб этишни тақозо этади, бу эса тест натижаларини қайта ишлашда махфийликка ва холисликка путур етказади. Тест синови ўтказишнинг ҳозирги тизими эса худди шу талабларга тўла жавоб беради. Давлат тест марказида махсус санаш қурилмалари ва компьютерлари бўлиб, уларда атиги кичик бир гуруҳ ихтисослашган мутахассислар энг «тиғиз» даврда ташқи дунё билан алоқалари мутлақо узилган ҳолатда, ўта махфий шароитда ишлайди. Марказда мавжуд ноёб оптик-электрон қурилмалар бир соатда 6 мингдан кўпроқ тест саҳифаларини ўта аниқлик билан қайта ишлайди. Хуллас, бундай вазиятда тест натижаларини суиистеъмол қилишдек нолойиқ ҳолатларнинг олди мутлақо олинади.

**Олег МИШУЛИН, Фарғона:**

**— Абитуриентлик даври кўплаб ёшлар учун бир умрга ўз ҳаётини боғлайдиган мутахассисликни, шунингдек, у ёки бу олий ўқув юртини танлашда охирги марра ҳисобланади. Жорий йилда олий ўқув юртларига қабул шароитида йўналишлар сони камайтирилган эмасми? Ёшлар ўз таъбларига тўғри келадиган мутахассисликларни танлаш имкониятига эга бўладиларми?**

— Бундай хавотирга ўрин йўқ. Аксинча, таълим йўналишлари миқдори бу йил яна 12 тага кўпайди. Жумладан, қишлоқ хўжалиги, сервис хизмати, иқтисодиёт, хорижий тилларни ўрганиш соҳаларида янги йўналишларда таълим йўлга қўйилади. Ҳозирги кунда республика олий ўқув юртларида бўлажак бакалаврлар учун 140 дан кўпроқ йўналишларда таълим олиш имконияти туғилди. Магистрлар ҳақида гапирадиган бўлсак, уларнинг 700 дан кўпроқ мутахассислик бўйича таълим олиши ва малака ошириши кўзда тутилган. Булар — маркетинг тадқиқотлари асосида олий таълим тизимида амалга оширилган ўзгаришлардир. Олий ўқув юртларида ўқитиладиган янги мутахассисликлар ва йўналишлар ҳаётдаги кўпгина муҳим соҳалар эҳтиёжини қамраб олади ва халқ хўжалигининг барча зарур тармоқлари учун юксак малакали, замонавий мутахассисларни тарбиялаб етиштириш учун шароит яратади.

**Одил КАБИРЖОНОВ, Навоий вилояти:**

**— Эшитишимча, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари таркибида хизматни ўтаган ёшларга олий таълим муассасаларига киришда имтиёзлар бўлар экан. Шу тўғрисида маълумот берсангиз.**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги 116-сонли Қарорига биноан, муддатли ҳарбий хизмат давомида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришган ҳолда ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларини олган фуқаролар учун энг юқори миқдорда тўпланадиган (яъни бу йил 226.8 га тенг бўлган) баллнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча балл берилади. Яна шуни айтиб ўтишимиз керакки, ҳарбий қисмлар қўмондонлиги тавсияномалари, улар берилган кундан бошлаб уч йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади. Яна бир имтиёз шуки, тавсияномаларга эга собиқ ҳарбий хизматчилар учун олий таълим муассасалари қошида бепул махсус тайёрлов курслари ташкил этилади. Хуллас, Одилжон, агар ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномаси бўлса, сиз бу имтиёзлардан тўла фойдаланишингиз мумкин. Сизнинг олий ўқув юртига кириш учун қилаётган саъй-ҳаракатингизга омадлар тилайман.

**Ҳабибулло ХАЛИЛОВ, Тошкент:**

**— Олий таълим муассасасига қабул пайтида абитуриентнинг мактабдаги ўқув мобайнида олган баҳолари муайян қимматга эга бўладими? Аттестатдаги баҳолар асосида чиқариладиган ўртача баллга қандай қаралади? «Қизил диплом»га сазовор бўлган абитуриентлар учун имтиёзлар борми?**

— «Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида»ги Низомда аттестатлар бўйича имтиёзлар кўзда тутилмаган.

**— Ахир шундай имтиёзлар жорий этилса, уларнинг ўқувчиларни рағбатлантириш омиллари таъминланган бўлади-ку?**

— Мен комил ишонч билан айтаманки, ҳақиқий билим олишга интилувчи ёшлар фақат яхши баҳоларга эга бўлиш учунгина ўқимайдилар. Уларни, энг аввало, имкон қадар чуқурроқ билимга эга бўлиш кўпроқ қизиқтиради. Аттестатдаги ўртача балл ҳақиқий қийматга эга бўлиши учун, ўқувчи амалда ҳақиқий билим эгаси бўлиши лозим. Бугун, афсуски, у ёки бу умумтаълим мактаби ўқувчисининг аттестатини безаб турган «5» баҳо бошқа бир таълим муассасасидаги синов пайтида «3» баҳога зўрға арзийдиган ҳолатлар учраб турибди. Бу эса кўпгина сабаблар билан изоҳланади. Масалан, педагогик жамоа малакасининг даражаси, ўқитувчиларнинг ўзига ва ўқувчига нисбатан талабчанлиги, пастбаландлиги шундай сабаблардан биридир. Ҳозирги кунда ўқувчилар тайёргарлигини аниқлаш методикасини ишлаб чиқиш жуда зарур бўлиб қоляпти. Шундай мақсадда, масалан, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида педагог кадрлар ва ўқув муассасаларини аттестация қилиш ва аккредитациядан ўтказиш ҳамда таянч майдони ҳисобланган ўқув муассасаларида ўқувчилар билими даражасининг сифати устидан мониторинг ўрнатиш масалалари бўйича ишлаб чиқилган Низом амалиётда синаб кўрилмоқда.

— Шу муносабат билан, — деди Б. Исмоилов, — «Бевосита мулоқот» жараёнида Гулистон шаҳридан **Дилдора Носирова**нинг ДТМга йўллаган саволи моҳиятан ўткирлиги ва долзарблиги билан ниҳоятда менга маъқул келди. У шундай масалани ўртага қўяди: «Тест маркази ўқувчилар олдига қўйилаётган тест саволлари асосида бевосита мактаб ўқитувчиларининг ўзларини ҳам имтиҳондан ўтказишни режалаштирмаяптими? Чунки бунга эҳтиёж катта». Шак-шубҳасиз, агар бундай синов ўтказилса, кўплаб ўқитувчилар ўз малакаси устида жиддий ўйлаб кўрарди.

Албатта, педагоглар тўғрисида бундай фикрни айтишнинг ўзи анча ноқулай. Лекин бундай фикрга асос бор ва масаланинг бундай қўйилиши адолатлидир. Мен бу саволга жавоб бериб, айтмоқчиманки, умумтаълим, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг билим-малака даражасини аниқлаш ДТМ 2004-2005 ўқув йилидан бошлаб худди шу мақсадда ўтказишни режалаштирган аттестация тадбирларида бош мезонга айланади. Ва бундай тадбир ўқув-таълим сифатини яхшилашда ўз самарасини беради.

**Темур АЛИМОВ, Хива:**

**— Баҳромжон Маҳмудович! Бу йилги тест синовларини сиз олдиндан, тахминан қандай тасаввур қиляпсиз? У қай даражада қатъий адолатли ва ҳақиқий синов бўлади?**

— Ўтган йилги кўрсаткичларга таянган ҳолда, айтишим мумкинки, жорий йилда ҳам тест синови энг юқори талаблар даражасида бўлади. Келинг, биргаликда айрим таҳлилларни қилайлик: бу йил умумтаълим мактабларини 305 минг атрофидаги ўқувчи битириб чиқди. Уларнинг ёнига лицейларнинг битирувчиларидан 7.088 нафари ва 150052 нафар коллежлардаги битирувчилар қўшилади. Яна қуйидаги рақамлар ҳам диққатни тортади: 2003 йилда 340 минг битирувчидан атиги 30 фоизи олий таълим муассасаларига ҳужжат топширди. Абитуриентларнинг катта қисми(56 фоиз) тест синовларига қайтадан махсус ва жиддий тайёргарликлар кўриб келишган олдинги битирувчилар бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳақли равишда олий таълим муассасаларининг талабалари бўлдилар.

Сўнгги йиллардаги олий таълимга қабул амалиёти яна бир ҳақиқатни кўрсатди: мамлакат бўйича олий таълим муассасаларига кириб ўқишга даъвогарлар сони бир ўринга ўрта ҳисобда 4 кишини ташкил этяпти. Бу ёшларимизнинг юқори билим, малака эгаллашга қизиқиши жиддий эканлигидан далолат беради.

Олий таълим олишга қизиқиш, айниқса, қишлоқ ёшлари ўртасида кучайиб боряпти. Ҳозирнинг ўзида олий ўқув юртларидаги қабул комиссиялари қишлоқ ёшларидан кўплаб ҳужжатларни қабул қилишмоқда. Бундай ҳолат республикамиз минтақалари ҳаётида катта янгиликлар рўй бераётганини, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи тубдан ўзгараётганини кўрсатади. Ёшлар қишлоқларда жорий этилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш, қайта ишлаш корхоналари ва шунга ўхшаш янги инфратузилмаларни вужудга келтириш заруриятини ҳис этиб, бунинг учун юқори замонавий билим, мутахассислик малакаси билан қуролланиш кераклигини чуқур англаб етмоқдалар. Мамнуният билан таъкидламоқчимизки, қишлоқ ёшлари шу мақсадга эришиш учун олий ўқув юртлари тест синовларига пухта ҳозирлик кўриб келаётирлар.

**Муяссар ЖУМАНАЗАРОВА, Хоразм вилояти Янгиариқ тумани:**

**— Педагогика коллежларининг бу йилги битирувчилари ҳам олий таълим муассасаларининг махсус сиртқи бўлимларига кириб ўқишлари мумкинми?**

— Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2005 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарорида бу тўғрида, жумладан, шундай дейилади: «Олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, жумладан, болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш учун қабул қилинади». Демак, педагогик коллежларнинг битирувчилари ҳам бу йил махсус сиртқи бўлимларга кириши учун ҳужжатларни топширишлари мумкин. Махсус сиртқи бўлимларга бу йил 5 минг нафар талаба қабул қилинади. Уларнинг 1200 нафари давлат грантлари, 3800 нафари тўлов-контракт асосида ўқийдилар. Махсус сиртқи бўлимлар республика олий ўқув юртларининг 20 тасида фаолият олиб бораяпти. Бундай таълим шакли фақат университетлар ва педагогика институтларидагина эмас, балки Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технология институти, Тошкент Ахборот технологиялари университетида ҳам бор ва бу олий ўқув юртлари ўз йўналишлари бўйича махсус сиртқи бўлимларда мутахассис педагогларни тайёрлайди.

**Бегимбой ХАЙПАНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси:**

**— Олий ўқув юртига борганимда менга умуман сиртқи таълим бундан кейин бўлмаслигини айтишди. Агар шундай бўлса, ишлаб туриб, олий таълим олишни хоҳловчилар энди нима қилади?**

(Худди шундай савол билан ДТМ раҳбарига Самарқанд вилоятидан — **Зайниддин Абдураимов,** Андижондан — **Лола Ботирова,** Қашқадарё вилоятидан — **Насиба Қаршиева, Жўра Исроилов,** Тошкент шаҳридан — **Шаҳодат Соатова, Феруза Раҳматова, Камолиддин Тўлаганов, Азиза Мўминова,** Сурхондарё вилоятидан – **Алишер Йўлдошев** ҳам мурожаат қилдилар).

— Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги қарорига биноан ушбу йилдан бошлаб бакалавриатнинг сиртқи бўлимига қабул бўлмайди. Қарорнинг 4-бандида айтилганидай, Республика ҳукумати Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Давлат тест марказининг таклифларини инобатга олади ҳамда «Олий таълим муассасаларининг сиртқи бўлимларида ўқув жараёнини ташкил этиш ва кадрлаш тайёрлашнинг сифати замон талабларига жавоб бермаётгани учун ўқитишнинг самарасиз шакли сифатида» сиртқи бўлимга талабалар қабули тўхтатилади.

**Алишер ТЎРАЕВ, Тошкент:**

**— Мен 1997 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Россияда олий маълумот олдим. Шундан кейин республикамиз прокуратураси органларига иш сўраб бордим. Улар менга ДТМ ҳузуридаги махсус комиссия орқали хорижда олган дипломимни нострификациялаш (тенглигини аниқлаш) тўғрисида маслаҳат беришди.**

(Шундай масала наманганлик **Нодиржон Каримовни** ҳам қизиқтиради)

— Ўзбекистонда хорижий таълим тизими билан ҳамкорлик фаол йўлга қўйилган. Пойтахтимизда Буюк Британиянинг Вестминстер университети, Москвадаги Плеханов номли институт филиаллари ишлаяпти. Иқтидорли, етук кадрлар тайёрлаяпти. Шунингдек, бизга фуқаролар олий таълим тўғрисида ўзларида мавжуд хорижий ҳужжатларни нострификациялаш бўйича ҳам мурожаатлар билан келиб туришади. Давлат тест марказининг хорижий давлатлардаги олий ўқув юртларидан олинган ҳужжатларни нострификациялаш мақсадига қаратилган фаолияти тегишли қонунлар доирасида йўлга қўйилган.

**Умида ҚОРИЕВА, Тошкент:**

**— Хорижий фуқаролар республикамиздаги олий ўқув юртларида таълим олишлари мумкинми?**

— Бу тўғрида Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил 24 майда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқароларни ўқитиш тўғрисида»ги 206-сонли Қарорда кўрсатилганидай, хорижий фуқаролар ҳукуматлараро битимларга мувофиқ ва Давлат комиссиясининг розилиги билан тўлов контракти асосида ўқишга қабул қилинишлари мумкин.

**Элдор ВАХРУДДИНОВ, Самарқанд:**

**— Абитуриентлардан кимлар олий ўқув юртларига киришда айрим устунлик ва имтиёзларга эга бўлишлари мумкин?**

(Шундай савол билан ДТМ раҳбарига тошкентлик **Санжар Ҳакимов** ҳам мурожаат қилган).

— Бу тўғридаги масала Президентимизнинг 1993 йил 5 февралда имзолаган «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чоралари тўғрисида»ги Фармонига ҳамда ҳукуматимизнинг тегишли ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 мартдаги 157-сонли Қарори шундай ҳужжатлардан биридир. Имтиёзга муносиб ёшлар тоифасига, жумладан, спорт соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритган спортчилар киради. Мос таълим йўналишлари бўйича тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз, давлат грантлари асосида талабаликка қабул қилинадиган спортчилар рўйхатини Давлат спорт қўмитаси тавсия этади ва бу рўйхат Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш бўйича» 1999 йил 10 июндаги Фармонига мувофиқ, бу мукофот соҳиблари бўлган мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари ўзларига мос таълим йўналишлари бўйича тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз, давлат грантлари асосида олий таълимга қабул қилинадилар. «Тарбиячи» республика танлови ғолиблари, «Ҳамшира» республика танлови ғолиблари, Бадиий академиянинг тасвирий санъат бўйича республика танлови ғолиблари ҳам тегишли олий таълим муассасаларига тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларсиз, давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

**Солижон НУРМАТОВ, Марғилон:**

**— Ҳозирги ёшлар кўпинча юрист, банкир, бизнесмен, дипломант бўлишни хоҳлашади. Ҳолбуки, мамлакатимиз ривожи учун бошқа йўналишлардаги олий маълакали мутахассис кадрлар ҳам кўплаб керак. Сиз Давлат тест марказининг раҳбари сифатида ёшларга касб мутахассислигини танлаш борасида қандай маслаҳат, йўл-йўриқларни берган бўлур эдингиз?**

— Ёшларни касб-ҳунарга ўргатиш, уларни жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасидаги касбларга нисбатан қизиқишларини шакллантириш масалалари доимо долзарб бўлиб келган. Республикамизда ҳам мазкур масалани ўрганиш ва тадқиқ этиш билан бир қатор ташкилотлар шуғулланади. Агар сиз қўйган муаммога шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, масаланинг нақадар кенг кўламда эканлигига гувоҳ бўламиз. Мен ўқувчи ёшларга, аввало, мукаммал билим эгаллашни, касб танлашда бугун ва келгусида ривожланадиган соҳаларни танлашни маслаҳат берган бўлардим. Бундай соҳаларга эса жисмоний тарбия ва спорт ишлари, таълим соҳалари бўйича педагоглик касблари, ахборот технологиялари, авиация, нефть-газ, қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишларини киритиш мумкин.

**Зиёдулла ТУРСУНОВ, Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани:**

**— Давлат тест маркази олий ўқув юртларига кирувчилар учун ҳар йили тест синовлари ўтказишдан ташқари яна қандай йўналишларда фаолият олиб боради?**

— Давлат тест маркази Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 293-сонли Қарори асосида тест синовларини ўтказишдан ташқари яна қуйидаги йўналишлардаги фаолиятлар билан шуғулланади. Булар: узлуксиз таълим тизимида банд бўлган педагоглар, профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказишни ташкил этиш, таълим муассасаларини аттестациядан ва давлат аккредитациясидан ўтказишни ташкил этиш, таълим муассасалари рейтингини аниқлаш, Вазирлар Маҳкамасининг Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш комиссиясининг ишчи органи функцияларини бажариш ҳамда хорижий мамлакатлардаги таълим муассасалари томонидан берилган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни эътироф этиш ва нострификациялаш (тенглигини аниқлаш) тартиби амалга оширилишини ташкил этиш ва таъминлаш шундай вазифалардир.

**Қаҳҳор КАРИМОВ, Самарқанд вилояти:**

**— Айрим олий таълим муассасаларида тестдан ташқари касбий (ижодий) имтиҳонлар ҳам жорий этилган. Улар қандай мақсадда амалга ошириладИ?**

— Айрим соҳалар, масалан, ижодий соҳалар кишида алоҳида истеъдод ва салоҳият бўлишини талаб қилади. Шу боисдан санъат, маданият, жисмоний тарбия ва чет тиллари йўналишидаги олий ўқув юртларида абитуриентнинг иқтидорини аниқлаш мақсадида ижодий имтиҳонлар уюштирилади. Бундай таълим йўналишларидаги ижодий имтиҳонларда абитуриентлар 75.6 балл тўплаши мумкин. Ўтган йилларда эса абитуриентлар тўплаши мумкин бўлган балл 111.6 ни ташкил этарди. Бундай ўзгаришнинг сабаби шундаки, олий таълим муассасаси талабаси бўладиган ёшлар ижодий соҳа билан бир қаторда умумий таълим фанларини ҳам чуқур эгаллашлари зарур.

**Нуринбой КАМОЛОВ, Нукус, 22-сонли ўрта мактаб директори:**

**— Бутун дунёда геология, агрономия, тиббиёт йўналишларидаги олий ўқув юртларига кириш учун физика фанидан имтиҳон топширилади. Ўзбекистонда бу йўналишларда ушбу фан тест синовларига киритилмаган. Бу кадрлар тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатмайдими?**

— Ҳозирги кунда таълим ихтисосликларига кўра абитуриентлар учта фандан тест топширадилар. Ҳар бир фан бўйича 36 та саволга тўғри жавоб берилиши керак. Умуман, тест топшириқлари 108 тани ташкил этади. Энг юқори балл миқдори, агар абитуриент барча саволларга тўлиқ жавоб бера олса, 226.8 баллга етади. Тестда қўйилган вазифаларнинг мезони эса қуйидагича: асосий соҳа фани учун саволларнинг жавоблари 3.1 балл, иккинчи ва учинчи фанларнинг жавоблари 2.1 балл ва 1.1 балл даражасида баҳоланади. Шубҳасиз, сиз айтганингиздай, ўқувчилар турли фанлар бўйича етарли билимга эга бўлишлари керак. Ҳозирги кунда тест синови блокини яқин келажакда қўшимча фанларни киритиш ҳисобига кенгайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Ҳақиқий зиёли одам гарчи у техникавий фанлар билан шуғулланаётган бўлса-да, бироқ ижтимоий-гуманитар фанларнинг ютуқларидан ҳам баҳраманд бўлмоғи керак. Шу боисдан, сиз кўтарган масала аҳамиятлидир.

**Абдуманноп МАМАДАЛИЕВ, Наманган:**

**— Бугун, масалан, бир олий ўқув юртида талабаликка қабул қилиш баллари бошқасиникидан анча юқори бўлиши ҳоллари кузатилади. Модомики, шундай экан, тест синовида юқори балл тўплаган, аммо танловдан ўта олмаган абитуриентнинг бошқа олий ўқув юртига қабул қилинишини таъминлайдиган умумреспублика миқёсидаги ўтиш балларини жорий этиш тадбир-чоралари кўрилиши керакмасми?**

— Бу масала ҳозирги кунда бошқа бир қатор муҳим масалалар қаторида кўриб чиқилмоқда ва тест қоидаларида бунга алоқадор бўлган ўзгаришлар 2004-2005 ўқув йилининг бошида эълон қилинади. Ўзгаришлар 2005 йилда олий таълим муассасаларига қабул пайтида амалга жорий этилади.

**Мираб СЕЙФУЛЛИН, Тошкент:**

**— Таълимнинг қандай йўналишлари ва ихтисосликлар учун энг кўп миқдорда давлат грантлари ажратилиши режалаштирилган? Масалан, мен журналист бўлмоқчи эдим.**

— Техникавий ва иқтисодий таълим йўналишларига грантлар кўпроқ ажратилган.

**Наргиза ХАЛИЛОВА, Тошкент:**

**— Тест жамғармасидаги кўпгина саволлар анча мураккаблиги билан ажралиб туради. Уларнинг жавобини тўғри топиш учун фақат дарсликлар ҳажмида тайёргарлик кўришнинг ўзи етарли бўлмаса керак. Тест топшириқларини мактаб дастурлари билан мувофиқлаштириш устида ўйлаб кўрилса бўлмайдими?**

— 2003 йил тест натижалари бўйича ДТМга бу борада биронта хат ёки шикоят келиб тушмади. Шунга қарамасдан тест топшириқлари Марказимизда ҳар йили мунтазам танқидий таҳлилдан ўтказиб борилади. Аниқланган камчиликлар эса малакали мутахассислар томонидан ўз вақтида бартараф этилади. Бундан ташқари, тест топшириқлари Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази томонидан тавсия этилган дарсликлар манбаида тайёрланади. Тест синовида қўлланиладиган саволлар ДТМда мавжуд намунавий тест топшириқлари асосида шакллантирилади. Мазкур банк эса 1992 йилдан буён тўхтовсиз бойиб, такомиллашиб келмоқда.

**Вали ҚАЛАНДАРОВ, Термиз:**

**— Тест якунларини чиқаришда хатоликларга йўл қўйилиши мумкинми?**

**Марказда абитуриентларнинг бу борадаги шикоятларини кўриб чиқиш механизми мукаммал ишлаяптими?**

— Тест синовини ўтказиш жараёнида фақат имловий хатоларгина бўлиши мумкин. Ўтган йили ДТМга абитуриентлардан бажарган ишларини қайта кўриб чиқишни сўраб, 1 мингга яқин ариза тушди. Уларнинг ҳар бири диққат билан таҳлил этилди. Бу ерда бошқа масалага эътибор қилишимиз керак. Гоҳида ота-оналар ўз фарзандларининг имкониятларини юқори баҳолайдилар. Улар хатога йўл қўйиши мумкин эмас, деб ишонадилар. Апелляция пайтида эса улар янглишганлигини рўй-рост англайдилар. Шунингдек, айрим абитуриентлар ўз ота-оналарини ҳафа қилиб қўйишдан қўрқиб, уларга тест синови бўйича бажарган ишлари тўғрисида нотўғри маълумот берган бўлиб чиқади. Бундай ҳолатларга ҳам тез-тез дуч келяпмиз.

**Васила УСЕНОВА, Тошкент:**

**— Бу йил пойтахтимиздаги қайси олий ўқув юртларига энг кўп ҳужжат топширилади, деб ўйлайсиз?**

— 2003 йилнинг маълумотларига кўра, Тошкент давлат педагогика университетига ва Ўзбекистон Миллий университетига кўпроқ ҳужжат топширилган.

**Лола ОРИПОВА, Самарқанд:**

**— Мен дизайн санъатига, айниқса, офислар ва турар жойлар дизайнига астойдил қизиқаман. Самарқандда бу йўналишда қандай олий ўқув юртлари бор?**

— Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида «Дизайн» бакалавриат йўналиши бўйича мутахассис кадрлар тайёрланади.

**Владимир ПОТАНИН, Қарши:**

**— Менежерлик мутахассислигига қизиқаман. Республикамизда корхона раҳбарларини тайёрлайдиган олий ўқув юртлари борми?**

— Тошкент давлат иқтисодиёт университетида, шунингдек, техникавий йўналишдаги олий ўқув юртларида «Менежмент» бакалавриат йўналиши бўйича мутахассислар етиштирилади.

**Динора НОСИРОВА, Гулистон:**

**— Лицейда мен араб тилини ўрганган эдим. Чет тиллари бўйича тест топширишда бу ҳисобга олинадими?**

– Агар сиз лицейда араб тилини ўрганган бўлсангиз ва дипломда фақат араб тили бўйича баҳо мавжуд бўлса, демак, сиз араб тилидан имтиҳон топширасиз. Мабодо, дипломингизда инглиз, немис, француз тиллари бўйича баҳо қўйилган бўлса, сиз бу тиллардан тест синовига кирасиз.

**Омонулла ТОЛИБОВ, Тошкент:**

**— Ўғлим Молия институтига кириб ўқимоқчи. Тест синови вақтида китоб расталарида сотилаётган тест саволлари тўпламларидан ҳам фойдаланиладими? Нега 2004 йилда «Ахборотнома» нашр этилмади?**

(Мазмунан шунга ўхшаш саволларни Тошкентдан — **Сурайё Мелиқулова, Мунира Номозова, Игорь Азиков, Наталья Борисова, Тоҳир Саримсоқов, Дилноза Иноғомова,** Қўқондан — **Мақсудали Хўжамбердиев,** Бухородан — **Ҳайриддинова, Ася Шоҳназарова,** Сирдарёдан — **С. Нурматов**, Андижон вилоятидан — **Фарҳод Исмоилов** ҳам ДТМ раҳбарига йўллаган).

— Давлат тест марказининг «Ахборотнома» журнали бундай кейин илмий-услубий нашр ҳисобланади. Саволингизга келсак, 2004 йилда ҳар бир алоҳида фан йўналиши бўйича «Тест топшириқлари» тўпламлари нашр этилиб, жамоатчиликка тарқатилди. Уларда тест топшириқларидан ташқари аудиторияларда тест жавоблари варақаларини тўлдириш қоидалари ва республикадаги барча олий таълим муассасаларининг манзиллари ҳам берилган. Ушбу нашрлар абитуриентлар учун тест синовларига ҳозирлик кўришда кўмакчи бўлади, деб ишонамиз. Марказнинг тест топшириқлари банкида ҳар бир фан бўйича 5 мингдан 6 минггача саволлар жамланган. Шаклланган технология асосида компьютер ўзи олий ўқув юртлари ва ихтисослик йўналишлари бўйича зарур вариантларни танлайди. Барча операциялар автоматик равишда бажарилади.

Тест танлови мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда абитуриентлар билимини адолатли баҳолаш ва иқтидорли болаларни ўз вақтида аниқлаш воситаси сифатида амалиётга жорий этилган эди ва ҳозирги кунда бу мақсадга тўла эришилди.

Мен сизнинг ва бошқа минглаб ота-оналарнинг тест арафасидаги қалб ҳаяжонларингизни яхши тушунаман. Нима ҳам дейишим мумкин, ёшларимизнинг илм-фанга қизиқиши кучайиб, йил сайин олий таълим олишга интилаётган йигит-қизларнинг сафи кенгайиб бораётганлигидан беҳад мамнунман. Тест топшириқларини тўғри ҳал этиш унчалик қийин эмас, деб ўйлайман. Фақат бунинг учун болаларимиз мактабда, лицейда ва коллежда қунт ва ихлос билан ўқиган бўлиши, кўп шуғулланиши, кўп билиши талаб қилинади. Бундайларга тест тўсиқ бўлолмайди. Аксинча, тест-билимли ёшларнинг ўзига ишончини мустаҳкамлайди, уларга куч-қанот бағишлайди. Гарчи шундай бўлса-да, 1 август тонги анча ҳаяжонли бўлиши ҳаммамизга маълум. Хаёлимиздаги иккиланишлар, қалбимиздаги турли-туман ўйларнинг ечими — болаларимизга, уларнинг иқтидори, билим доирасига боғлиқ. Уларга омад тилайлик. Омад эса тест лаҳзаларида,такрор бўлса ҳам айтаманки, билимдонларгагина кулиб боқади. Билимдонларгагина олий таълим муассасалари эшиги очилади.Ёшлар буни эсдан чиқармасликлари керак.

***Мулоқот матнини М. САФАРОВ нашрга тайёрлади.***

**Ташкилотлар раҳбарлари диққатига !**

Товар сертификатланган



«ГАЗ-31105»

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ АВТОМОБИЛЛАРНИ СОТАДИ.

«Ижмашавто» ОАЖ, «Русавто ГАЗ» МЧЖ — ишлаб чиқарувчи заводларнинг барча моделларига буюртмалар қабул қилинади.



«ГАЗ-3102»



«ВАЗ-2106»

**Тўлов шакли — турлича.**

Мулоқот учун телефонлар Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62
Наманганда: (36944) 22-35-9, (99897) 104-25-86.



«ГАЗЕЛЬ»

93709Р/1477



*Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча қурилиш корхоналари ва пудратчи ташкилотлар диққатига !*

«Даврхитектқурилиш» қўмитасига қарашли

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

**танлов савдосини эълон қилади.**

**ИНШООТ НОМИ**

**1. Қашқадарё вилоят Қарши шаҳар, А.Навоий шоҳкўчасида қурилиши мўлжалланган вилоят божхона бошқармаси янги маъмурий биноси қурилиши.**
**Қурилиш муддати — 12 ой.**
**Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасининг Қашқадарё вилояти бошқармаси.**
**Манзил: Қарши шаҳри, Боғзор кўчаси, 2-«А» уй.**
**Телефон: 227-14-94, 227-08-22.**

Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат божхона қўмитасининг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши талаб этилади.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 48-уйда** жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: 221-07-79.**

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

***Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.***

94768/1572

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин буюртмачи биносида ўтказилади. Манзил: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 48-уй.**



# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

***2004-2005 ўқув йили учун***

*КУНДУЗГИ БЎЛИМ БАКАЛАВРИАТИНИНГ ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАРИ:*

- **халқаро журналистика;**
- **инглиз филологияси;**
- **француз филологияси;**
- **испан филологияси;**
- **немис филологияси;**
- **славян филологияси;**
- **таржимонлик факультети;**
- **тиллар бўйича иккинчи мутахассислик**

*МАГИСТРАТУРАНИНГ:*

- **халқаро журналистика;**
- **инглиз филологияси;**
- **француз филологияси;**
- **испан филологияси;**
- **немис филологияси;**
- **славян филологияси;**
- **референт-таржимон**

***мутахассисликлари бўйича қабул эълон қилади.***

**Абитуриентларнинг ҳужжатлари қабул комиссиялари томонидан 2004 йилнинг 20 июлига қадар қабул қилинади. Магистратура йўналиши бўйича ҳужжатлар жорий йилнинг 1 июлидан 31 июлигача қабул қилинади.**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, академик Решетов кўчаси, 4-уй (аввалги Республика рус тили ва адабиёти институти). «Пахтакор» метросидан 35-автобус, «Чилонзор» метросидан 20-автобус, 37-маршрут такси қатнайди. Телефонлар: 75-82-21, 75-89-51.**

**Университет қабул ҳайъатига топшириладиган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:**
- ***университет ректори номига ариза;***
- ***ўрта маълумоти ҳақида етуклик аттестати ёки дипломнинг асл нусхаси;***
- ***3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат;***
- ***086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;***
- ***паспорт ва ҳарбий хизматга тегишли ҳужжат шахсан кўрсатилади.***

Тест синовлари кундузги бўлимда 1 август куни ўтказилади.

Талабаликка танлов асосида қабул қилиш абитуриентнинг тест синовларида тўпланган балларига асосан ҳал қилинади.

Халқаро журналистика ва испан филологияси факультетларида тест натижаларидан ташқари ижодий имтиҳонда олинган баллар ҳам ҳисобга олинади. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларининг 1-курсларига қабул «2004-2005 ўқув йилида талабаларни қабул қилиш тартиб ва қоидалари тўғрисида»ги Низом асосида амалга оширилади.

***ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН !***

***ЎҚИНГ ВА ЎЙЛАБ КЎРИНГ:***

**Сиз жаҳон тараққиётининг бир қисми бўлишни,
Шекспир, Хемингуэй, Дюма, Гёте, Сервантес ва бошқа муаллифларнинг асарларини асл нусхада ўқишни,
бошқа мамлакатлар фуқаролари билан бемалол мулоқотда бўлишни,
спектакль, кинофильмларни хорижий тилларида кўришни
ИСТАЙСИЗМИ ?**

Бунда биз сизга ёрдам берамиз. Сиз Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз, олмон, роман-герман, испан филологияси таржимонлик факультетларига ўқишга киринг, сизнинг интилишингиз ва бизнинг ўқитувчиларимизнинг малакалари сизга танлаган йўналишингизда билимларни эгаллашингизга ёрдам беради. Чет тилини эгаллашингизда, шунингдек, хорижий мутахассислар: инглиз филологиясида АҚШ, Буюк Британия мамлакатларининг етакчи университетлари профессорлари, олмон филологиясида Рур университети қошидаги Германистика институтининг, Берлин, Гейдельбург, Вена ва Гранц университетларининг профессорлари, француз филологиясида Брюссель таржимонлар институти профессорлари, испан филологиясида Алкала ва Гранада университетларининг профессорлари ёрдам берадилар.

Видео-аудио материаллари, кутубхоналар, Англия, АҚШ, Испания, Греция, Германия, Австрия, Франция, Исроил, Жанубий Корея, Япония ва бошқа давлатлардан келтирилган адабиётлар мавжуд махсус ўқув заллари сизнинг хизматингизда.

Сиз яна 2-3 тил ўрганишни ва таржимон бўлишни хоҳлайсизми? Марҳамат! Бунда таржимонлик факультети мутахассислари сизга ёрдам берадилар. Факультетда 10 та: араб, япон, грек, корейс, хитой, испан, итальян, индонезия ва иврит тиллари марказлари фаолият юритади. Сиз бакалавр дипломини оласиз. Сиз университетни тамомлаб: халқ таълими тизимида; олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизимида; божхонада; Ташқи ишлар вазирлиги тизимида; Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги тизимида; қўшма корхоналарда, очиқ акционерлик жамиятларида ва бошқа ташкилотларда; хорижий мамлакатларда ишлашингиз мумкин.

Сўнгра магистратурага ўқишга киришингиз мумкин.

***БИЗНИНГ УНИВЕРСИТЕТГА МАРҲАМАТ !***

***Ўқинг, ҳавас қилинг, халқаро журналист дипломи !***

**Мустақил давлатлар ҳамдўстлигида ягона бўлган факультетда ўқиш.
Хорижий давлатларда журналист бўлиб ишлаш.
Халқаро ҳаёт масалаларини ёрита билиш, таҳлил қила олиш ва олдиндан айтиб бериш.
Ўзга давлатлар иқтисодий ва ижтимоий янгиликларидан хабардор бўлиш. Халқларнинг маданий қадриятларини билиш ва дунё миқёсида тарғибот қилиш.
Спортни ташвиқот ва тарғибот қилиш.
Мамлакатларнинг дунё ҳамжамиятига қўшилишига ҳисса қўшиш.
Чет тилларини мукаммал билиш.**

Бу билимларни эгаллашни хоҳлайсизми? Ундай бўлса, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги халқаро журналистика факультетига киринг. Бу факультет Ўзбекистон Республикасидагина эмас, МДҲ мамлакатларида ҳам ягонадир.

Сизнинг билимли ва малакали халқаро журналист бўлиб етишишингизда чет эллардан таклиф қилинган етук мутахассислар, таниқли олимлар ва Ўзбекистон Республикаси журналистикасининг машҳур намояндалари ёрдам беришади. Теле-радио студиялар, кутубхоналар, ўқув заллари сизнинг хизматингизда. Хориждан келтирилган ва Ўзбекистонда яратилаётган адабиётлар ҳисобига мунтазам равишда бойитиб бориладиган фанлар сизга мунтазир. Ўқишни тугатгунингизча сиз уч тилни мукаммал эгаллайсиз. Бакалавриатура босқичини тугатсангиз, сизнинг олдингизда кенг ва чорловчи уфқлар очиладики, у ерда сиз ўзингизнинг барча имкониятларингизни ишга соласиз:

**БУ — Ўзтелерадиокомпаниясининг чет элдаги махсус мухбири;
хорижий агентликларда, газета ва журналлар нашриётларида республиканинг махсус мухбири;
фотожурналист; магистратура;
оммавий ахборот воситалари тизимида турли хилдаги раҳбарлар.**

***МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ !***

94726/1557





## *Зомин-2004*

***Зоминнинг кўм-кўк арчазорлар билан қопланган тоғлари ён-бағрида жойлашган "Ўриклисой" оромгоҳига тўпланишган республика ёш ижодкорларининг анъанавий VIII семинар-танлови иштирокчилари келган кунлариёқ мушоирани бошлаб юборишди. Самарқандлик Зарима Раҳмонова, Қорақалпоғистон Республикасидан келган Саломат Гулембетов, Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси Беҳзод Фазлиддинов каби истеъдод эгаларининг шеърлари барчанинг олқишига сазовор бўлди. Рус тилида ижод қилувчи Аксана Ўрмонованинг машқлари, 19 ёшида роман ёзиб улгурган Жумагул Холмирзаеванинг истеъдоди тилга тушди.***

# Илҳомларга ҳамоҳангсан, Ўриклисой!

— Жиззахнинг гўзал табиати қўйнида яратилган мактаб, мана 8 йилдирки, ижодкорларга мадад бўлаяпти, ёшларга куч-қувват, қанот бағишлаяпти, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. — Зомин семинарининг ўзига хос оҳанги бор. У адабиёт, маънавият, шеърият тарихига ўзини ёзиб улгурди.

Семинар иштирокчиларига тадбирнинг ўтган йилги қатнашчилари ижод намуналари жамланган "Ватаним деб сени уйғондим" китоби тақдим этилганда қатнашчилар юқоридаги сўзларнинг нечоғлик ҳаётийлигини яна бир бор ҳис этдилар. Зомин мактабида таҳсил олган хоразмлик Фароғат Жабборова ҳамда жиззахлик Шоҳида Мирзаеваларнинг бу йил Зулфия номидаги мукофотни қўлга киритганликлари ҳам қатнашчиларда фахр уйғотди.

Кейинги икки кун мобайнида семинар иштирокчилари ўз жанрлари бўйича гуруҳларга бўлиниб ўзаро фикр алмашдилар, юртимизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари, марказий газета ва журнал муҳаррирлари билан учрашиб, давра суҳбатларида қатнашдилар.



Ҳайъат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардан келган ёш ижодкорларнинг энг сара асарларини аниқлашди. Унга кўра, бош соврин Андижон вилояти вакили, ғазалнавис Икром Мансурга насиб этди. Жиззахлик Зуҳра Мамадалиева ҳамда сурхондарёлик шоир Илҳом Раҳмон биринчи ва иккинчи ўринларга лойиқ кўрилиш билан бирга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Олий адабиёт курсида таҳсил олиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Тошкентлик Аксана Ўрмонова эса учинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Жиззах вилояти ҳокимлигининг мукофоти талаба Беҳзод Фазлиддиновга, семи-



нарнинг "Юксак маҳорати учун" соврини эса фарғоналик Жумагул Холмирзаевага берилди.

Семинар-танлов ғолибларига мукофотни Республика Ёзувчилар уюшмаси раиси А. Орипов ва Жиззах вилояти ҳокими У. Яманқулов топширдилар.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**
**СУРАТЛАРДА: семинар-танловдан лавҳалар.**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги Миллий авиация спорт клуби аэродромида спортнинг ракетамодель тури бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган мусобақада 93 нафар спортчи иштирок этди.

Баҳсларда Анзор Охунжонов, Вадим Митюгин, Константин Бобохонов, Фурқат Ўталов, Дамир Бакиев, Эмир Зикрияев, Алексей Сафин, Элбек Эшназаров ҳамда Баҳодир Олимов ўз синф модели бўйича биринчи ўринни қўлга киритди.

Умумжамоа ҳисобида Бухоро вилояти спортчилари зафар қучди.

Самарқандлик спортчиларга иккинчи ўрин насиб этди. Учинчи ўринни Сирдарё вилояти вакиллари эгаллади.

**Қ.ҚАРШИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**


***Азиз ёшлар !***

***МАКТАБ, ЛИЦЕЙ, КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИ !
КЕЛАЖАКДАГИ ЖАҲОН МЕҲНАТ БОЗОРИДА ЎЗ ТАНЛАГАН КАСБИНГИЗ БЎЙИЧА РАҚОБАТБАРДОШ, ЕТУК МУТАХАССИС БЎЛИШНИ ОРЗУ ҚИЛГАН БЎЛСАНГИЗ***

# ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИГА

**ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.**

***2004-2005 ўқув йилида бакалавриатнинг қуйидаги кундузги бўлим йўналишлари бўйича қабул эълон қилинади:***

| *Шифр* | *Таълим йўналиши* | *Ажратилган ўринлар сони* |
|---|---|---|
| 5140900 | Касб таълими: | |
| | Кимёвий технология | 30 |
| | Озиқ-овқат технологияси | 25 |
| 5340200 | Менежмент (соҳалар бўйича) | 35 |
| 5340300 | Маркетинг (тармоқлар бўйича) | 15 |
| 5521800 | Автоматлаштириш ва бошқарув | 15 |
| 5521900 | Информатика ва ахборот технологияси | 20 |
| 5522400 | Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича) | 140 |
| 5522500 | Нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси | 45 |
| 5522600 | Ёғочсозлик саноати ва технологияси, машиналари ва жиҳозлари | 30 |
| 5522900 | Биотехнология | 20 |
| 5541100 | Озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича) | 120 |
| 5850100 | Атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича) | 25 |

***Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — 2004 йил 20 июндан 20 июлгача.***

**Институтимизга ўқишга кириш истагида бўлганлар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:**

- ***ректор номига ариза;***
- ***ўрта ёки ўрта махсус маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;***
- ***3х4 см. ҳажмли 6 дона фотосурат;***
- ***086/У шаклдаги тиббий маълумотнома;***

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги ҳақидаги паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ўқишга кирувчилар учун тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан 2004 йил 1 август куни бўлиб ўтади.

**ТЕСТ СИНОВЛАРИ**

- ***Атроф-муҳит муҳофазаси; ёғочни қайта ишлаш технологияси; автоматика ва бошқарув; информатика ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича:***
  математика, физика, она тили ва адабиёт.
- ***Кимёвий технология; нефть ва нефть-газни қайта ишлаш технологияси; биотехнология; касбий таълими (соҳалар бўйича) ва озиқ-овқат технологияси (маҳсулот турлари бўйича) йўналишлари бўйича:***
  кимё, математика, она тили ва адабиёт.
- ***Менежмент (соҳалар бўйича); маркетинг (тармоқлар бўйича) йўналишлари бўйича:***
  математика, чет тили, она тили ва адабиёт фанларидан ўтказилади.

***Манзилимиз: 700011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй.***

